Адл ила олам юзин обод қил

# Куч–адолатда

2020 йил
4 декабрь,
жума
№ 46-47 (820)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 декабрь куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.***

Мамлакатимизда илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги тўрт йилда 28 та илмий ташкилот ва 4 та инновацион технопарк ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари академик ва тадқиқотчилар билан бир неча бор учрашиб, улар кўтарган барча масалаларни ҳал қилиб берди. Олимларнинг иш ҳақи 3 баравар оширилди. Илмий ташкилотларнинг моддий-техник базасини янгилаш учун катта маблағлар йўналтирилди.

Бир сўз билан айтганда, соҳа учун ҳам моддий, ҳам ташкилий жиҳатдан барча шароит яратилмоқда. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, 100 дан зиёд илмий ташкилот фаолиятида, улар томонидан олиб борилаётган изланишларда ҳали сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ. Масалан, 24 та муассаса ўтган йили халқаро тан олинган журналларда бирорта ҳам илмий мақола чоп этмаган. Инновацион ривожланиш вазирлиги илмдан ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни ўзаро боғловчи яхлит тизим ва муҳит ярата олмаган.

Мисол учун, инновацион ишланмалар учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилаётган бўлса-да, танлов натижаси бўйича бор-йўғи 29 миллиард сўмлик 51 та лойиҳа шакллантирилди, холос. Фанлар академияси тизимидаги 33 та илмий институт томонидан ўтган йили атиги 59 та патент олинган.

Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар даражаси ўта паст, илм ва инновация масалалари бўйича масъул проректорлар умуман ишламаётгани қайд этилди.

— Олийгоҳ, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар ўртасидаги мулоқот қандай? Бугун кун тартибида мана шу савол турибди. Афсуски, мулоқот талаб даражасида эмас, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, илмий институтларга буюртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ер участкалари ва мол-мулкни солиққа тортишни янада такомиллаштириш, уларни баҳолаш ва ҳисобини юритишда замонавий усулларни жорий қилиш, ер ва сув ресурслари, ер қаъридан қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг **2021 йил 1 январдан** бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб **ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача** камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда **ер солиғи ставкаларини белгилайди;**

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса — Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, мавзе, маҳалла, кўча кесимида **0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи** коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТИЗИМИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм-фанга бўлган интилишларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги ислоҳотларни тизимли амалга ошириш, шунингдек, академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. **Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ў.Р.Саломов** ҳамда ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган **олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари)** иқтидорли ёшларни **академик лицейларга саралаб олиш** тизимини самарали ташкил этиш, академик лицейларда **таълим сифатини мунтазам ошириб бориш,** ўқув жараёнига замонавий **педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини** татбиқ этиш учун **шахсан масъул ва жавобгар** этиб белгилансин.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида юқори малакага эга олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ходимларни касбий ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тиббиёт ташкилотлари, шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг:

(Давоми 4-бетда) ▶

**Яна саноқли кунлардан сўнг Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигини катта тантаналар билан нишонлаймиз. Бош Қомусимизнинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, 53-моддасида эса, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.**

*Қонун кўмаги*

## Тадбиркорнинг конституциявий ҳуқуқи

*суд томонидан кафолатли ҳимоя қилинди*




Айтиш керакки, учкўприклик тадбиркор Икромжон Йўлдошев ҳам ана шу конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, 2006 йил 18 апрелда Данғара туманидаги собиқ "Ишонч" ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси билан имзоланган олди-сотди шартномасига асосан, хўжаликнинг чорвачилик фермаси бино ва иншоотларини 16.909.430 сўмга сотиб олганди. Кейинчалик — фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2014 йил 21 июлдаги ҳал қилув қарорига биноан, олди-сотди шартномаси қонуний деб топилади ва бино-иншоотлар Фарғона вилояти "Ермулккадастр" давлат корхонаси Данғара туман филиали томонидан хусусий мулк сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади. 2015 йил 8 июлда эса, чорвачилик фермасининг бино ва иншоотларидан ташқари амалда эгаллаб турган 30.950,73 метр квадрат ер майдони фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат рўйхатига олиш тўғрисида туман ҳокимининг 620-сонли қарори қабул қилинади.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигига*

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиёти

**Ҳуқуқий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Бинобарин, Конституция ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш борасида инсоният кашф этган энг муҳим ютуқлардан биридир.**




Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида сўз борганда, Конституция ва миллий тикланиш, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, бу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва тантилик каби улуғ қадриятлар Асосий Қонунимиздан муносиб ўрин олганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди.**

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган **"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"** Конституцияни такомиллаштириш учун асос вазифасини ўтади.

Бунда Бош Қомусимиз Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган демократик ислоҳотларни амалга оширишнинг конституциявий асоси сифатида хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди.

Бу муҳим ҳужжат, том маънода, янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори эканини амалда намоён этиб улгурди. Буни кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 7 маротаба муҳим ўзгартишлар киритилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

**Биринчи ўзгартириш — суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини такомиллаштиришга қаратилган.** Хусусан, 2017 йил 6 апрелда Конституциянинг 7 та моддасига киритилган тузатишларда қуйидаги 3 та устувор вазифа:

***биринчидан,*** фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш;



(Давоми 2-бетда) ▶

*Қонун ижодкорлиги*

## Маъмурий суд ишларини юритиш: соҳа қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари

**Давлат бошқаруви тизимида шиддатли ва изчил ислоҳотлар давом этмоқда. Хусусан, маъмурий ислоҳотлар борасида ҳам мамлакатимиз тарихий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий хусусиятлардан келиб чиқувчи ўз тажрибасига таяниб иш тутмоқда.**



Кўпгина давлатларда маъмурий ислоҳотларнинг мақсади оммавий бошқарув тизимининг транспарентлигига ҳамда маъмурий ва суд процедураларини такомиллаштиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда "маъмурий судлов" тушунчаси юртимизда илк маротаба "туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси" ибораси билан мустаҳкамланган.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Фуқаролик қонунчилиги*

## Меҳнат ҳуқуқи кафолатлари

*қонунларда ўз ифодасини топган*



**Аввало шуни айтиш керакки, меҳнат низолари деганда, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнатга оид ҳужжатлар, бошқа шартнома, шунингдек, янги меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади.**

(Давоми 5-бетда) ▶

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбариятининг шахсий қабулига онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш тизими (qabul.sud.uz)




***2020 йил февраль ойидан бошлаб, судлар фаолиятига Олий суднинг Интерактив хизматлар порталида (my.sud.uz) жойлаштирилган "Электрон қабул" рукни орқали Олий суд раҳбариятининг шахсий қабулига онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш имконини берувчи ахборот тизими жойлаштирилган.***

***Ахборот тизими орқали:***

***- Олий суд раҳбариятининг шахсий қабулига онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш ҳақида электрон шаклда ариза юбориш;***

***- фуқаронинг қабул қилиниш санаси ва навбати ҳақидаги маълумотларни онлайн тарзда олиш;***

***- Олий суд раҳбариятининг шахсий қабулига рўйхатдан ўтиш учун суд биносига келиб, ариза топширишнинг муқобил тартибини жорий этиш;***

***- шахсий қабул натижаларини тегишли мезонлар асосида баҳолаш каби тартиблар жорий этилди.***

# ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, ҳудудларни ихтисослаштириш, юқори қийматли маҳсулотларни кўпайтиришга хизмат қиладиган ишланмалар зарурлиги таъкидланди. Чунки ҳудудлар иқлимига мос экин навларини яратиш, сифатли уруғлик тайёрлаш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда. Охирги икки йилда 108 миллион долларлик кўчат ва уруғлар импорт қилинган. Бу йил биргина картошка уруғининг импорти ўтган йилгига нисбатан 2 баравар ошган.

Ҳудудларда хусусий уруғчилик корхоналари ташкил этиш, чет элдан бозорбоп навларни олиб келиб, маҳаллий шароитларга мослаштирган ҳолда, уруғ брендлари яратиш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигига экинларнинг янги авлод гибрид уруғларини етиштириш ва уруғшунослик лабораторияларини ташкил этиш вазифаси топширилди.

Сув хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳам илмий ечимлар орқали ҳал қилиш мумкин. Хусусан, суғоришда сув тежовчи технологияларни қўллаш кенгайиб бормоқда. Лекин бунда ўғитларни тўғри эритиш, суғориш вақтини аниқлаш, муддатида техник хизмат кўрсатиш бўйича тизим ташкил этилмаган. Ёмғирлатиб суғориш бўйича илмий тадқиқотларни амалиётга жорий этиш ҳам оқсамоқда.

Шу боис Наманган, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида сув тежовчи технологияларга хизмат кўрсатадиган қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Хорижий молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ирригация объектларини лойиҳалаштириш ишларига чет эллик мутахассислар билан бирга маҳаллий олимларни ҳам жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди. Мисол учун, Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича 215 миллион долларлик лойиҳанинг 8 миллиони илмий изланишларга йўналтирилган.

Хоразмда ташкил этилган Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази орқали вилоятдаги ирригация иншоотларини қайта лойиҳалаштириш, сув ресурсларини тўғри режалаштириш лозимлиги таъкидланди.

Илм-фан натижалари кимё саноати ва нефть-газ тармоқлари учун ҳам жуда зарур. Мамлакатимиз кўп миқдорда кимёвий реагентлар, полимерлар ва бошқа маҳсулотларни импорт қилаётгани бу борадаги аҳволни яққол кўрсатади.

Шу муносабат билан хорижий тажриба асосида нефть ва табиий газни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлайдиган марказ ташкил этиш вазифаси қўйилди. Кимё саноатига зарур реагентлар учун илмий институтларга буюртмалар бериш ва уларни ишлаб чиқаришга грант ажратиш муҳимлиги таъкидланди.

Яна бир масала — бугунги кунда Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида 3 миллиард тоннага яқин техноген чиқиндилар йиғилиб қолган. Йилига уларнинг 20 миллион тоннаси қайта ишланса, 2 тонна олтин, 8 тонна кумуш, 10 минг тонна мис ҳамда вольфрам, молибден каби нодир металлар олиш мумкин. Мутасаддиларга шу борада аниқ кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев энергетика тармоғидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратди.

Бу соҳада 3 та олийгоҳ, 2 та илмий ташкилот, ўнлаб олимлар бўлса-да, муаммоларни ҳал қилишда ўрни сезилмаяпти. Йирик корхоналарда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини таҳлил қиладиган илмий тадқиқотлар йўқ.

Мисол учун, бир йилда 100 миллион киловатт соат электр ишлатадиган Тошкент қувур заводи ўрганилганда, жараёнларни оптималлаштириш ҳисобига 20 миллион киловатт соат энергияни иқтисод қилиш мумкинлиги аниқланган. Бунинг ҳисобидан қанчадан-қанча хонадонларга ёруғлик етказиш мумкин.

Шу мақсадда иссиқлик электр станциялари, "Навоийазот", "Фарғонаазот", "Қизилқумцемент", "Бекободцемент", "Қувасойцемент" каби йирик корхоналарда илмий ташкилотлар билан бирга электр энергияси сарфини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, ҳар йили газ транспорт тизими ва йирик саноат корхоналаридан чиқаётган иккиламчи газлар 730 мегаватт электр энергия салоҳиятига эга бўлиб, бу имкониятдан умуман фойдаланмай келинмоқда. Шундай экан, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Муборак, Шўртан ва Газли конларида йўлдош газлардан электр энергияси олиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Фармацевтика саноати импорт субстанцияларига боғланиб қолган. Аслида, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқариш учун илмий салоҳият мавжуд. Мисол учун, Ўсимлик моддалари кимёси институти ўтган икки йилда Россия, АҚШ ва Францияга 4 миллион долларлик субстанция экспорт қилган. Мазкур институтда доривор ўсимликлар таркибини ўрганиш ва стандартлаштириш бўйича махсус лаборатория ҳамда клиникагача тадқиқотлар маркази ташкил этиш, олимларга грантлар ажратиш чоралари белгиланди.

— Бир нарсани билишимиз керак: илмсиз, инновациясиз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эриша олмаймиз. Ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлаш керак, — дея таъкидлади Президент.

Хорижий клиникалар билан ҳамкорликда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида жигар, буйрак, илик трансплантациясини, Республика кардиология марказида юрак билан боғлиқ инновацион амалиётларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Илм-фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш учун технопарклар имкониятидан кенг фойдаланиш лозимлиги айтилиб, бу борада олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда илм-фан ва олий таълим муассасалари, тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари келгуси йили қайси йўналишларда илмий лойиҳаларни амалга ошириши ва қандай натижаларга эришиши юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

***иккинчидан,*** одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш;

***учинчидан***, номзодларни танлаш ва судьялар лавозимларига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш — суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур конституциявий ўзгартиришлар суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу мақсадда Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимча киритилди. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Олий хўжалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иши юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини такомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилига айланди.

**Иккинчи ўзгартириш — аввало, ижро этувчи ҳокимият тизимини такомиллаштиришга йўналтирилди.** Шу мақсадда 2017 йил 31 майда Конституциянинг 4 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Асосий Қонунимизнинг 80 ва 93-моддаларига киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилганлиги ва у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши ҳамда Қўмитанинг раиси ва раис ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланиши ҳамда лавозимидан озод қилиниши белгиланди.

Шу билан бирга, **Конституциявий суд фаолиятининг конституциявий асослари** яратилди. Конституциянинг 108-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди.

Конституциянинг 108 ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда Конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзолангунига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилди.

Ушбу конституциявий янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда судлов тизимини янада такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бу конституциявий янгиланишлар судьялар ва суд тизими ходимларини ижтимоий рағбатлантиришни юқори даражага кўтарди.





Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2020 йил 10 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"-**ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси**да кўзда тутилган.

*Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигига*

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиёти



Қонун лойиҳасида фуқаролар ва юридик шахсларга, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга Конституциявий судга мурожаат килиш ҳуқуқи берилиб, Конституциявий судга мурожаат қилувчи субъектлар доираси кенгайтирилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Конституциявий суд ваколатлари, Конституциявий суд судьясининг мақоми, Конституциявий суд ишларини юритиш, Конституциявий судга мурожаат қилиш ва мурожаатни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ўрганиш масалалари аниқ қилиб белгиланмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, ҳозирги вақтда Конституциявий суднинг фаолияти 2017 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонун билан тартибга солинишини таъкидлаш лозим. Аммо Конституциявий судда иш юритишнинг процессуал қоидалари Конституциявий суднинг ўзи томонидан тасдиқланган Регламент билан белгилаб берилган.

Аксарият мамлакатлар Конституциявий судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бундай қоидалар Конституциявий суд томонидан эмас, балки қонун билан белгиланиши назарда тутилган. Чунки иш юритишнинг процессуал қоидалари бевосита инсон ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам улар қонун билан белгиланиши лозим.

Бундан ташқари конституциявий суд ишларини юритиш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳал этилиши лозим бўлган яна бир қатор долзарб муаммолар ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишни тақозо этадиган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

**Учинчи ўзгартириш — Тошкент шаҳри туманлари фаолиятининг конституциявий асослари билан боғлиқ.** Яъни 2017 йил 29 августда Конституциянинг 99-моддасидаги "шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан" деган сўзлар чиқариб ташланди. Конституциянинг 99-моддасига ўзгартиш киритиш орқали Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этишнинг конституциявий асоси мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг 102-моддасига ҳам учта ўзгартиш киритилди. Яъни Тошкент шаҳри таркибидаги 11 та туманнинг барчасида халқ депутатлари Кенгашлари ташкил этилиши муносабати билан Конституциянинг 102-моддасида туман ва шаҳар ҳокимларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилишнинг ягона тартиби ўрнатилди.





Ушбу конституциявий ўзгартиришлар, авваламбор, пойтахт жамоатчилигига Тошкент шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки ва ролини кучайтириш, туманларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор дастурларини амалга ошириш, туманларнинг бош режалари ва қурилиш қоидалари, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини белгилаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ улар бўйича имтиёзлар бериш устидан назорат қилиш механизми ўрнатилишини таъминламоқда.

**Тўртинчи ўзгартириш — маҳалла тизимига доир.** 2018 йил 15 октябрда Конституциянинг 105-моддаси биринчи қисмидаги "икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини" деган сўзлар "раисни (оқсоқолни)" деган сўзлар билан алмаштирилди.

**Бешинчи ўзгартириш — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тизимидаги янгиланишларга тааллуқли.** Бинобарин, 2019 йил 18 февралда Конституциянинг 80-моддаси 7-бандидаги ва 93-моддаси биринчи қисмининг 24-бандидаги "Миллий" деган сўз "Давлат" деган сўз билан алмаштирилди.

**Олтинчи ўзгартириш — Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий мақоми билан боғлиқ.** 2019 йил 5 мартда Конституциянинг 3 та моддасига ўзгартишлар киритилди. Бу янгиланишларга мувофиқ, эндиликда Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади.

**Еттинчи ўзгартириш — Конституцияга сайловларга оид янгиликлар киритишдан иборат.** Хусусан, 2019 йил 4 сентябрда Конституциянинг 2 та моддасига ўзгартишлар киритилди. Шунга мувофиқ, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Маълумки, сўнгги уч-тўрт йил давомида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам шиддатли ислоҳотлар амалга оширилди. Кейинги даврда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимига халқаро стандартларни жорий қилиш орқали судья ва адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бу борада муайян натижаларга эришилгани халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. **БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян**нинг таъкидлашича, ана шу туб янгиланишларнинг моҳияти, жумладан, судьяларнинг мустақил қарор қабул қилишига халал берадиган сиёсий таъсирларни камайтиришга қаратилганида яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил ва босқичма-босқич, узвий ва тизимли равишда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам юридик манбаи ҳамда асосий ҳуқуқий кафолатидир.

Конституция ўз-ўзича, яъни алоҳида, жамиятдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. Демакки, Конституцияни қотиб қолган қоидалар йиғиндиси деб бўлмайди.

**Конституция — динамик, яъни доимий ҳаракатдаги, ўсиш ва ривожланиш жараёнидаги ҳужжатдир. У ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида акс этиради. Шу маънода, Ҳаракатлар стратегияси янги Ўзбекистоннинг янги конституциявий қиёфасига асос бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.**

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ САРАЛАБ ОЛИШ ТИЗИМИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган **олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):**

тегишли академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш учун **илғор хорижий мамлакатлар** малакали **экспертларини** жалб қилсин;

академик лицей ўқувчиларининг **камида битта хорижий тилни пухта ўзлаштириб чиқиши** учун дарс машғулотларига юқори малакали педагоглар жалб қилиниши ва зарурий шароитлар яратилишини таъминласин;

олий таълим муассасалари проректорлари (филиал директори ўринбосарлари)ни **ўз йўналишлари бўйича академик лицейлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш** учун масъул этиб белгиласин;

олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, шу жумладан, раҳбар ходимлари белгиланган тартибда **академик лицейларнинг дарс машғулотларига** жалб қилинишини таъминласин;

академик лицейларнинг **таълим инфратузилмаси** мунтазам равишда ривожлантириб борилишини ташкил этсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар (бундан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия мустасно) тизимидаги олий таълим муассасалари, шунингдек, хорижий олий таълим муассасалари ҳузуридаги **академик лицейларда** (қарор бўйича матнда — академик лицейлар) ўқувчи ёшларга таълим беришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни **академик лицейларга саралаб олиш, чуқурлаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитиш;**

ўқувчи ёшларда **кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлашни ривожлантириш, илм-фанга бўлган қизиқишни ошириш,** уларнинг фан олимпиадаларидаги иштирокини кенгайтириш;

ўқувчиларни амалга оширилаётган **ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, ватанпарварлик, изланувчанлик ва яратувчанлик руҳида** тарбиялаш;

**академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш,** ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, уларни **"устоз-шогирд" тизими асосида** тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали **мутахассисларга бириктириш;**

таълим жараёнини мазмунли ва самарали ташкил этиш учун **педагоглар малакасини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш тизимини ислоҳ қилиш;**

замонавий таълим инфратузилмаси талабларидан келиб чиқиб, академик лицейлардаги мавжуд **моддий-техник базани мустаҳкамлаб бориш, билимларни мустақил шакллантириш учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш.**

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) уч ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи **ўқув меъёрий ҳужжатларни** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

умумтаълим фанлар соати ҳисобига чуқурлаштирилган фанлар соатини ошириш ҳамда улар улушини камида **50 фоизга** етказиш;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартида 10-11-синф ўқувчилари умумтаълим тайёргарлигига қўйилган мажбурий талабларни шакллантириш билан бирга уларнинг иқтидорини ҳар томонлама ривожлантириш имконини берувчи **ўқув дастурлари** асосида ўқитиш тартибини жорий этиш;

таълим босқичлари узлуксизлигини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларининг турдош таълим йўналишларида **такроран ўқитиладиган фанларни** академик лицейлар ўқув дастуридаги тегишли фанлар билан **унификация қилиш.**

4. Белгилаб қўйилсинки, академик лицейларда ўқиш даврида **унификация қилинган фанларни** ўзлаштирган, олий таълим муассасаларида талабаликка қабул қилинган таълим олувчилар учун **ушбу фанларни ўзлаштириш ихтиёрий ҳисобланади.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотлари тегишли олий таълим муассасалари **профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилишини** таъминласин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг **2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:**

**академик лицейларга иқтидорли ёшларни саралаб олиш механизмини** 1-иловага мувофиқ жорий этиш;

тажриба тариқасида, рўйхати 2-иловада келтирилган академик лицейларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан махсус ҳудудларда ўтказиладиган **тест синовлари** билан биргаликда **дастлабки ёзма имтиҳон** асосида иқтидорли ёшларни саралаб олишнинг икки босқичли тизимини (кейинги ўринларда — икки босқичли тизим) амалга киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, 1-иловада назарда тутилган фан олимпиадалари, танлов ғолиблари ва фанларни ўзлаштириш сертификатига эга бўлганлар учун имтиёзлар мазкур академик лицейларга ўқишга қабул қилишда ҳам инобатга олиниши белгилансин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

академик лицейларга ҳужжат топширувчиларни **рўйхатдан ўтказиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ҳамда **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти** орқали амалга оширилади;

академик лицейнинг тегишли йўналишида ўқиш учун келиб тушган аризалар сони белгиланган қабул параметрига **2:1 нисбатдан кам** бўлган ҳолларда мазкур йўналиш бўйича қабул параметрлари тегишли ўқув йили учун аризалар сонига нисбатан **икки баравар** қисқартирилади, бундан мазкур йўналиш учун бир академик гуруҳ ўқувчилари сонига тенг бўлган ҳолларда мустасно;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳон кириш тест синовларидан аввал бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси назорати остида академик лицей томонидан ўтказилади ҳамда унинг якунлари бўйича ўқувчиларни кириш тест синовларини топширувчилар рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади;

икки босқичли тизимда дастлабки ёзма имтиҳонни ўтказиш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан тасдиқланади ҳамда 2021 йил 1 февралга қадар **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти** ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Таълим инспекцияси) (У.Н.Ташкенбаев), тизимида олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 15 декабрга қадар тажриба натижаларидан келиб чиқиб барча академик лицейларга икки босқичли тизим асосида қабул қилиш тартиби тўғрисида асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. **Иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. **Академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссия** 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

**Қуйидагилар академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг** (Ў.Р.Саломов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

**академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги дастурларнинг** ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

ўрта махсус таълим соҳасида иштирок этувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини **мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш;**

**жамоатчилик фикрини ўрганиш, илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш,** педагоглар ва ўқувчилар ўртасида **сўровлар ўтказиш** асосида академик лицейларда таълим сифатини ошириш ва инфратузилмасини яхшилаш, таълим жараёнига **ахборот технологияларини** татбиқ этишга доир **чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва бажарилишини ташкил этиш;**

академик лицейларда таълим фаолиятининг ташкил этилиши, улар фаолиятини бошқариш тизимининг самарадорлиги, яратилган шароитлар, қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини **мунтазам равишда ўрганиб бориш ва баҳо бериш;**

академик лицейларда **таълим сифатига,** жумладан, улар **рейтингига оид кўрсаткичларни танқидий таҳлил қилиш** ҳамда улар юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **ҳайъатига таҳлилий ҳужжатлар киритиш;**

ўрта махсус таълим соҳасидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва ишлар самарадорлигини ошириш** юзасидан таклифлар тайёрлаш;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар **ижросини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида** ташкил этиш.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) ҳамда ҳузурида академик лицейлар мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ректорлари (филиал директорлари):

2021 йилдан бошлаб **илғор хорижий мамлакатлар,** шу жумладан, **Финляндиянинг** малакали экспертларини жалб қилган ҳолда ҳар йили **академик лицейлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган "Йўл харита"сини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

"Йўл харита"си ижросини **хорижий экспертлар** иштирокида мунтазам равишда **мониторинг қилиб борсин** ҳамда аниқланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрсин;

академик лицейларда ҳар ойда камида бир маротаба бевосита олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан академик лицей ходимлари ва ўқувчилари иштирокида **"ректор соати"** ўтказиб борилишини ташкил қилсин;

тизимида академик лицейлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда академик лицейларга **илмий-методик** ёрдам кўрсатиш, **ўқув-тарбия жараёнини сифатли** ташкил этиш, **таълим сифатини** тубдан яхшилаш, **илғор педагогик** технологияларни жорий этиш мақсадида олий таълим муассасаларининг **тегишли кафедраларини академик лицейлар таълим йўналишларига бириктирсин;**

бириктирилган кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан **унификация қилинган фанлар бўйича дарс машғулотларини** олиб бориш, **илғор ўқитиш услубларини** академик лицей таълим жараёнига мос равишда татбиқ этиш ҳамда **маҳорат дарсларини** ўтказиш, **лицей ўқувчилари** ва **ўқитувчилари ўртасида танловлар ўтказиш,** ўқувчиларнинг **илм-фан, инновацион** ва **рационализаторлик** қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

академик лицейлар фаолияти йилига камида **икки маротаба** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг **ҳайъат йиғилиши** ҳамда олий таълим муассасаларининг **илмий кенгашида** кенг муҳокамадан ўтказилади;

олий таълим муассасаларининг **ўқув ишлари учун масъул проректори (филиал директори ўринбосари)** бир вақтнинг ўзида **академик лицей директори** ҳисобланади. Бунда, олий таълим муассасаларининг **ўқув ишлари учун масъул проректор (филиал директори ўринбосари)**ларига нормативларга мувофиқ белгиланадиган устамаларга қўшимча равишда олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик **20 фоиз устама тўланади;**

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш** бўйича академик лицейларнинг **иккинчи босқич ўқувчилари** учун тўртинчи семестр давомида бепул тест синови ташкил этилади;

олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинмаган ҳамда касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган **академик лицей битирувчилари бўйсунуви бўйича олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари** маблағлари ҳисобидан касб-ҳунарга ўргатиш курслари (марказлари)да ўқитилади. Бунда, тегишли олий таълим муассасалари **ректорлари (филиал директорлари)** ушбу битирувчиларга **касб-ҳунар ўргатиш ишларини** ташкил қилиш ва уларга ҳар томонлама кўмаклашиш учун масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

12. Академик лицейларга ходимларни педагогик фаолиятга жалб этиш учун белгиланган **камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлиш** тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

13. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) Таълим инспекцияси (У.Н.Ташкенбаев) **академик лицейларнинг,** шу жумладан, қуйидаги йўналишлардаги фаолиятини қамраб олувчи **рейтингини** ишлаб чиқсин ва унинг шаффоф тарзда юритилишини таъминласин:

академик лицейга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган талабгорлар сонининг мазкур лицей учун белгиланган қабул параметрига нисбати (рақобат кўрсаткичи);

олий таълим муассасаларига қабул қилинган ўқувчилар улуши;

рейтинг аниқланган йилда нуфузли халқаро ва республика фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида ғолиб бўлган (совринли ўринларни қўлга киритган) академик лицей ўқувчилари улуши;

чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган ўқувчилар улуши;

илмий даражали, чет тили ва фанларни билиш даражаси тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга бўлган асосий штатдаги педагоглар улуши;

хорижий педагоглар, шунингдек, халқаро эътироф этилган ташкилотлар — Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities рейтингларида биринчи 1 000 та ўринни эгаллаган олий таълим муассасалари дипломларига эга бўлган маҳаллий педагоглар улуши;

б) рейтинг натижалари бўйича узлуксиз **3** йил давомида таълим сифатига оид кўрсаткичларида салбий динамика кузатилган сўнгги **5** та ўриндан бирини эгаллаб келган **академик лицейлар бошқа олий таълим муассасаси тасарруфига ўтказилади ёки бошқа турдаги таълим муассасаси сифатида қайта ташкил этилади.**

14. Иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида **олий таълим муассасалари ҳузурида янгидан ташкил этиладиган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасалари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактаб директорлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим инспекцияси ҳамда Республика олий таълим кенгашининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

дарс машғулотларини, шу жумладан, республика ёки хорижий таълим муассасаларининг юқори малакали педагоглари иштирокида онлайн тарзда ўтказиш;

академик лицейлар базасида ушбу **лицейларга ўқишга тайёрлаш,** компьютер саводхонлигини ошириш, **касб-ҳунар**, жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) орқали ўзини ўзи банд қилиш (фрилансинг)ни ўргатиш бўйича таълим хизматларини, ёзги ва қишки мактабларни ташкил этиш;

пуллик таълим хизматларини кўрсатиш учун муаллифлик методикалари асосида ишлаб чиқилган, бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасалари кенгаши қарори билан чоп этилишига рухсат этиладиган тайёрлов ўқув адабиётларини яратиш.

16. Академик лицейларга **бюджетдан ташқари,** шунингдек, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

иқтидорли педагогларнинг хорижий мамлакатлар таълим муассасаларида ўз мутахассислиги бўйича **қисқа муддатли малака ошириш,** шу жумладан, **онлайн курсларда ўқиши** билан боғлиқ **харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш;**

юқори малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, алоҳида ютуқларга эришган педагог ва ходимларга **устамалар** ҳамда **моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари** миқдорларини мустақил белгилаш ва тўлаш;

иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган **ўқувчиларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;**

**моддий-техник базани мустаҳкамлаш, канцелярия жиҳозлари, дастурий маҳсулотлар, замонавий ахборот-коммуникация** воситаларини харид қилиш, тайёрлов ўқув адабиётларини нашр этиш, лицейлар веб-сайтларини яратиш ва таъминлаб бориш, масофавий таълим технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳуқуқи берилсин.

Зарур ҳолларда, олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз тизимидаги академик лицейларни ушбу бандда кўрсатилган харажатларни **биргаликда молиялаштиришга** рухсат берилсин.

17. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **2021 йил 1 январдан бошлаб** академик лицей педагоглари ва ходимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида:

академик лицей педагог ва ўқувёрдамчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги **айрим фанларга ихтисослаштирилган мактабларнинг тегишли ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари** қўлланилади;

академик лицей директорининг **ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ўринбосарларининг** базавий лавозим маошларига **20 фоиз** миқдорида ҳар ойлик устамалар тўланади;

б) бўйсунуви бўйича тегишли олий таълим муассасасининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари, жумладан, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан академик лицейларда ўрнак кўрсатган педагог ва ходимларга лавозим маошларининг **100 фоизигача миқдорида ҳар ойлик устамалар** тўланади;

в) академик лицейларнинг **фан номзоди** ёки **фалсафа доктори (PhD),** шунингдек, **фан доктори** ёхуд **фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент** илмий унвонларига эга бўлган педагог ходимлари **меҳнатга ҳақ тўлаш** шартларига кўра **олий таълим муассасаси катта ўқитувчисига тенглаштирилади;**

г) 2021 йил 1 январдан бошлаб **ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида** таълим муассасаси раҳбарининг базавий лавозим маошига нисбатан **бош ҳисобчининг** базавий лавозим маоши **80 фоиз** миқдорида, **ҳисобчининг** базавий лавозим маоши **60 фоиз** миқдорида белгиланади.

18. Белгилансинки, мазкур қарорнинг 17-банди Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тизимидаги академик лицейларнинг (бундан "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейлари мустасно) шаҳодатланмаган маъмурий бошқарув, педагог ва бошқа ходимларига нисбатан ҳам қўлланилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:**

академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг чекланган нормативи **1:12 нисбатда** белгиланади. Бунда, йўналишлар ва блоклар бўйича бир нафар педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳар семестрда **ўқувчиларни салоҳиятига кўра тенг нисбатда гуруҳларга бўлиб ўқитишга рухсат этилади.**

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ў.Р.Саломов) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги академик лицей ва профессионал таълим муассасаларининг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини соддалаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Ж.Ортиқов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда асосланган ҳисоб-китобларга биноан академик лицейларнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларининг **2022 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларига** мунтазам киритиб борилишини таъминласин.

22. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р.Сариев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, Сирдарё вилояти ҳокими F.F.Мирзаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов, Тошкент вилояти ҳокими Р.Қ.Холматов, Хоразм вилояти ҳокими Ф.У.Эрманов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А.Артикходжаев** ҳудудларда олий таълим муассасалари ҳузурида янгидан ташкил этиладиган **ихтисослаштирилган мактаб ва академик лицейлар** фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

**Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари** мазкур қарорда зиммасига юкланган вазифалар ҳамда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли ташкил қилсин.

23. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ў.Р.Саломов белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 20 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 3 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали негизида **Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Фарғона вилояти юқумли касалликлар шифохонасини **Институтнинг клиник базаси этиб белгилаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар **Институт фаолиятининг асосий** йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги муассасалари учун **тор соҳадаги мутахассисликлар** бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

етакчи хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар **учун қўшма таълим ва академик мобиллик дастурлари** асосида кадрлар тайёрлаш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш жараёнига **илғор ва масофавий таълим технологияларини** кенг жорий этиш, юқори малакали **профессор-ўқитувчиларни** жалб этиш, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

**илмий-педагогик салоҳиятнинг** ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини фаол такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлигини, касалликлар профилактикаси, паразитология, микробиология, вирусология, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш масалалари бўйича истиқболли **инновацион, амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишларини** амалга ошириш, шунингдек, уларнинг натижаларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратиш;

бириктирилган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари дастурларининг **узлуксизлиги** ва **изчиллигини** таъминлаш, улар фаолиятини самарали ташкил қилиш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи тиббиёт ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари билан таълим ҳамда илм-фан соҳаларида узоқ муддатли **ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;**

**моддий-техника базасини модернизация** қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

3. Белгилансинки:

Институт **давлат олий таълим муассасаси** ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварағига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади;

**Институт Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали**нинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

Институтга қабул ҳар йили белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг **давлат буюртмаси параметрлари** доирасида ва **қўшимча қабул параметрлари**дан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

Институт Фарғона вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб борувчи ўқитувчиларга доимий равишда **илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради.**

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш. Иноятов**) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (**У.Ш.Бегимқулов**) уч ой муддатда Институтга юқори салоҳиятга, жумладан, фан номзоди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилсин.

5. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш. Иноятов**) икки ой муддатда:

Институтда **ўқув-методик жараённи ташкил этиш,** белгиланган тартибда штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институт **ахборот-ресурс марказини** қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан бойитиш;

Институт **кафедраларини** йўналишига мос ҳамда имконияти кенг бўлган Фарғона вилоятида жойлашган давлат тиббиёт ташкилотларида жойлаштириш;

республикадаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва бошқа хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда **онлайн маъруза ўтказиш ва масофавий таълим технологияларини жорий этиш** учун телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда "Эл-юрт умиди" жамғармаси:

Институтни салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат таълим йўналишлари, клиник ординатура, магистратура мутахассисликлари ва 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини такомиллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига холисона баҳо бериш;

истиқболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва ватандошларни жалб этиш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (**А.М.Бобоев**) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари **Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини** таъминласин.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (**О.А.Пекось**) Институт мурожаатига мувофиқ уни белгиланган тартибда юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улаш чораларини кўрсин.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги (**Х.Х.Бозаров**) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (**А.Ш.Иноятов**) билан биргаликда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4310-сон қарорига 5-илованинг "Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари, уларнинг филиаллари ва клиникалари" блоки 9-11-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"9. Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

10. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали

11. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали".

Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.М.Хаджибаев,** соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари **А.Ш. Иноятов,** Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи **Х.Х.Бозаров** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 апрелга** қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 3 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

2. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлашда ер солиғи ставкаларини республиканинг ҳудудлари кесимида назарда тутсин. Бунда, 2021 йилда солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 баравари**дан ошмаслиги лозим;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 баравари**дан ошмаслиги лозим.

3. Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2021 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиқларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари маъқуллансин:

деҳқон хўжаликлари ва мева сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер солиғини ҳисоблашда ер солиғи ставкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ўрнатилганидек белгилаган ҳолда, жойлашган жой ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экин турлари коэффициентлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинзорлари норматив қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ солиш тартибини бирхиллаштириш;

барча турдаги чиқиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкаларини юридик шахслардан олинадиган ер солиғи учун солиқ солиш объектидан чиқариш;

тегишли сувни ҳисоблаш ҳисоблагичлари мавжуд бўлганда, ишлаб чиқариш жараёнида агрегатларни (турбиналарни) совутиш учун сувдан фойдаланувчи юридик шахсларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиққа тортиш базасини табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб ташланган **сув ҳажми ўртасидаги фарқдан** келиб чиқиб ҳисоблаш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 2020 йил даражасида сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ва балиқларни кўпайтириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисмида эса, шу жумладан, деҳқон хўжаликларига 1 куб метр учун 40 сўм миқдорида ягона солиқ ставкасини белгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда турли мақсадларда фойдаланиладиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш тартибини киритиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан солиқ органларига фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича йиллик солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон кўринишда тақдим этиш тартибини белгилаш.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф.Исламов) Молия вазирлигига республика ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун бериладиган лицензиялар мониторинги асосида улар бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини белгилашга доир таклифларни киритиб борсин.

4. Давлат солиқ қўмитасига фойдали қазилмаларни ҳақиқий қазиб олишга нисбатан қўлланиладиган ва фойдали қазилмаларни меъёрдан ортиқ йўқотиш тўғрисидаги геологик-маркшейдерлик маълумотларининг ҳаққонийлигини назорат қилиш учун зарур ускуналарни харид қилган ҳолда вилоятлар солиқ бошқармаларининг штат бирликлари доирасида 3 штат бирлигигача маркшейдерларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ органларига ваколатли орган ва судларга ер қаъридан фойдаланувчи томонидан солиқ қонунчилиги мунтазам равишда бузилган ва (ёки) фойдали қазилмалар захираси ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда лицензияни чақириб олиш ёки тўхтатиб туриш масаласи бўйича ташаббус билан чиқиш ваколати берилсин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудларидан ташқари, тадбиркорлик субъектлари томонидан "Хавфсиз дарё" ДУКга дарё ўзанларини тозалаш натижасида олинган қум-шағал материалларининг ҳар бир куб метри учун тўлов миқдори шартнома тузилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизидан 0,1 фоизига туширилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда норуда фойдали қазилмалари конларини ўзлаштириш ва уларнинг самарали қазиб олинишини таъминлаш мақсадида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқсин.

6. Молия вазирлиги (Т. А.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 июлига қадар** илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ўрмон хўжаликлари, балиқ овлаш хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, шунингдек, истироҳат боғларини солиққа тортиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг **мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк** (бино, иншоот ва ер участкалари) **объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, кўчмас мулк объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаш тизими икки босқичда жорий этилади:

**биринчи босқичда (2021-2023 йиллар)** — кўчмас мулк бўлган турар жой фонди объектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, дала-ҳовли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан;

**иккинчи босқичда (2022-2024 йиллар)** — яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан.

8. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А.Қўчқоров), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), зарурат туғилганда хорижий экспертларнинг хизматига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда уларни жалб қилиш орқали:

а) кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр тизимини модернизация қилиш учун Жаҳон банкидан имтиёзли кредитлар жалб қилинишини;

б) **2021 йил 1 апрелга қадар** халқаро молия институтлари экспертлари билан биргаликда кўчмас мулк объектларига солиқ солишни янада такомиллаштириш бўйича ер солиғи ва мол-мулк солиғини ўрнига кўчмас мулк солиғини киритишни назарда тутувчи "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини;

в) кўчмас мулк объектининг (бино, иншоот ва ер участкалари) юридик ёки жисмоний шахс эгалигида бўлиши эмас, балки уларнинг кадастр қийматидан ва объектнинг фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда солиқ солиш тартиби бирхиллаштирилиши ва ер солиғи бўйича адвалор ставка киритилишини;

г) белгиланган тартибда қуйидаги лойиҳалар киритилишини:

**2021 йил 1 августга қадар** — кадастр қийматини максимал даражада бозор баҳосига яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, турар жой фонди кўчмас мулки объектларнинг кадастр қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда якка тартибдаги уй-жой қуриш ва уй-жойга хизмат кўрсатиш объектлари билан банд бўлган ер участкаларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини киритиш бўйича ҳукумат қарори;

**2021 йил 1 ноябрга қадар** — яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари ва ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларининг бозор баҳосига максимал даражада яқинлаштирилган кадастр қийматини аниқлаш механизмини киритиш тўғрисида ҳукумат қарори;

**2021 йил 1 декабрга қадар** — фойдаланишга рухсат этилган ер участкалари турлари классификаторлари ва уларга бўлган ҳуқуқларни тугатиш учун асосларни назарда тутувчи Ер кодексининг янги таҳрири;

д) 2021-2022 йилларда республиканинг қуйидаги "тажриба-синов" ҳудудларида ер участкаларидан фойдаланилишига ва капитал қурилиш объектларининг белгиланган мақсадига қараб кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига асосланган кадастр қийматини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказилишини таъминласин:

турар ва нотурар (тижорий) жойларга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари — Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани;

саноат объектлари — Навоий вилояти Навоий шаҳри;

рекреацион зоналар ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар объектлари — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган объектлар — Бухоро вилояти Ромитан тумани.

Молия вазирлиги 2021-2024 йиллар давомида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни баҳолашни ўтказиш учун Давлат солиқ қўмитасининг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағ ажратиб борсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Х.С.Тўрахўжаев) 2022 йил 1 январга қадар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини уларнинг бозор баҳосига асосланган ҳолда аниқлаш, ҳар бир эгалик қилувчига (фойдаланувчига) тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар базасини яратиш учун ахборот тизимини такомиллаштириш, кўчмас мулк объектларини уларнинг бозор баҳосидан келиб чиққан ҳолда сифатли баҳолашдан ўтказиш методикасини ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 августдаги "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4816-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошидаги "сув ресурсларидан" сўзларидан олдин "2020 йилда" сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Молия вазирлиги (Т. А.Ишметов) манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 3 декабрь*

*Қонун кўмаги*

## Тадбиркорнинг

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Орадан 2 йил ўтиб, яъни 2017 йил 19 августда туман ҳокимининг 1008-сонли қарори билан ферма бино-иншоотлари атрофидаги бўш ер майдонида қўшимча тунукасозлик устахонаси, ошхона, чойхона, савдо дўкони, иссиқхона ва ишчилар дам олиш хоналари қурилишига рухсат берилади. Бинобарин, И.Йўлдошев ушбу қарор асосида қурилиш ишларини бошлаб юборади. 2018 йил 29 декабрга келиб эса, Фарғона вилоят қурилиш бошқармаси томонидан янги барпо этилган биноларга нисбатан 129-сонли "АПЗ" ҳужжати лойиҳалари тасдиқланади. 2019 йил 31 майда эса, Фарғона вилоят "Ермулккадастр" давлат корхонаси Данғара туман филиали ва туман қурилиш бўлими бошлиқлари томонидан 50-сонли қурилиши тугалланган нотурар бино-иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, тасдиқланади.

Бир қарашда, ҳаммаси рисоладагидек кетаётган, тадбиркор йилдан-йилга ўз фаолиятини кенгайтираётгандек туюлади. Аслида ҳам, шундай.

Аммо 2019 йил 21 июнда туман ҳокимининг чорвачилик фермаси бино-иншоотлари атрофидаги бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариш ҳақидаги 2632-сонли қарори қабул қилинади.

Буни қарангки, Икромжон Йўлдошев туман ҳокимининг ушбу қароридан орадан саккиз кун ўтгач, хабар топади-ю, ҳайрон тортиб қолади. Кейин эса, қонуний йўл тутишга аҳд қилади. Яъни у туман ҳокимининг айни қарорининг ўзига тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан Данғара туман маъмурий судига ариза билан мурожаат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалдаги Ер кодексининг 36-моддасида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланилмаганида бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилиниши белгиланган. Бироқ Данғара туман ҳокимлиги ва "Ермулккадастр" давлат корхонасининг туман филиали ер майдонларини захирага қайтариш хусусида И.Йўлдошевни тегишли тартибда огоҳлантирмаган. Қолаверса, ҳар икки идора ҳам ерни захирага қайтариб олиш муддатига риоя қилмаган. Яъни тадбиркорга ушбу ер майдонида қўшимча тунукасозлик устахонаси, ошхона, чойхона, савдо дўкони, иссиқхона ва ишчилар дам олиш хоналари қуриш учун туман ҳокимининг 2017 йил 19 августдаги 1008-сонли қарори билан рухсат берилганини назарда тутсак, ана шу санадан 3 йил муддат ўтмай туриб, ер майдонини асоссиз равишда туман захирасига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари **"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 2-моддасида "Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-млкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Давлат хусусий мулкнинг бут сақланишини таъминлаш ва унинг кўпайтирилиши учун барча зарур шароитларни яратади", дея қайд этилган.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шундай бўлса-да, 23 йил давомида бундай судьяларнинг ўзи мавжуд бўлмаган. Амалдаги қонун ҳужжатларида маъмурий судлов сифатида фақатгина маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш белгиланган. Бу тоифадаги ишлар жиноят, фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан тегишлилиги бўйича кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва тарихи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони билан боғлиқ. Жумладан, ушбу Фармоннинг 8-банди 2-хатбошисига кўра, 2017 йил 1 июндан бошлаб, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш белгилаб берилди. Яъни том маънода, маъмурий судлар тарихига асос солинди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони 1 ва 2-бандларида 2021 йил 1 январдан бошлаб:

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш;

- маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш; бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақланиб қолиниши;

- суд ишларини назорат тартибида кўриш институтини тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибида протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш;

- туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанция суди сифатида чиқарган

*Қонун ижодкорлиги*



# Маъмурий суд ишларини юритиш:

## соҳа қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари

қарорларини эса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш;

- апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарлари протестига кўра, кассация тартибида такроран кўриб чиқиш белгиланди.

Келгусида амалга оширилиши кутилаётган ушбу янгиликлар, ўз навбатида, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этади.

Шу муносабат билан кодексга муайян ўзгартишлар киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Биринчидан,* кодекснинг 203-моддасига кўра, апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **йигирма кун** ичида берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **икки ойдан кечиктирмасдан берилган** ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилаётганлиги, шунингдек, апелляция тартибида кўрилмаган ишлар кассация тартибида кўриб чиқилмаслиги белгиланаётганлиги сабабли кодекснинг ушбу моддасига ўзгартиш киритишни таклиф қиламиз.

Хусусан, апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан **бир ой** ичида берилиши, бундан ташқари шикоят бериш муддатини тиклаш учун илтимоснома беришга қўйилган чеклов, яъни **илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилиши мумкинлиги** ҳақидаги қоидани чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Ушбу ўзгартиш ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд қарорлари устидан апелляция шикояти (протести) келтириш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

*Иккинчидан,* кодекс талабига асосан, ҳозирги кунда ишда иштирок этувчи шахслар суд қарорлари устидан Олий судга назорат тартибида шикоят келтирганида, уларнинг шикояти Олий суд судьяси томонидан якка тартибда ўрганиб чиқилади.

Шикоятни ўрганиш натижасида судья назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ёки назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказиш рад этилганда, ишда иштирок этувчи шахслар қуйи суд қарорлари билан бирга Олий суд судьясининг ушбу ажримидан ҳам норози бўладилар ва Олий суд раиси ёки унинг ўринбосарига такроран мурожаат қилиб, ўзларига тегишли ишни Олий суднинг судлов ҳайъатида кўриб, уларнинг важларини эшитишни сўрайдилар.

Шу сабабли суд қарорлари устидан **Олий судга берилган кассация шикоятини тўғридан-тўғри Олий суднинг судлов ҳайъатида кўриб чиқиш** ҳақидаги қоидани кодексга киритиш таклиф қилинади.

Ушбу ўзгартириш суд қарорлари устидан норози бўлиб шикоят келтирган шахснинг иши кассация инстанцияси судида ҳеч қандай тўсиқсиз кўрилиб, уларнинг Олий суд инстанцияси суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайди.

**Акмал МУРОДОВ,**
*Навоий вилояти маъмурий судининг раиси*




◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундай низолар амалдаги Меҳнат кодекси талаблари асосида ҳал этилади. Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақли.

Меҳнат низоларини ҳал этишда суд алоҳида ўрин тутади. Зеро, судлар зиммасига фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва корхоналарнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар юклатилган.

Шу ўринда суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, Қарши туманидаги мактабларнинг бирида фаолият юритган Гулзода Қосимова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, мактаб маъмуриятининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини ноқонуний деб топиш, аввалги иш ўрнига тиклаш ва мажбурий прогул вақтлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Судда маълум бўлишича, мактаб маъмурияти Г.Қосимованинг ўз ишига совуққон муносабатда бўлгани юзасидан бирор марта ҳам интизомий чора қўлламаган ёхуд бу ҳақда ундан тушунтириш хати талаб қилмаган. Шунингдек, Г.Қосимованинг меҳнат интизоми масаласи мактаб касаба уюшмаси йиғилишида шунчаки номигагина муҳокама қилинган.

Кўриниб турибдики, мактаб маъмурияти хатоликка йўл қўйиб, меҳнат қонунларининг бузилишига сабабчи бўлган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди ушбу фуқаролик ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Албатта, бунда даъвогар Г.Қосимова ўз ҳуқуқларини яхши билиб, ўз вақтида судга мурожаат қилгани самара берди. Бироқ ҳаётда меҳнат низолари бўйича судга белгиланган қонуний муддатни ўтказиб юбориб, мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Амалдаги қонунларда эса, судга мурожаат қилиш муддатлари белгилаб қўйилган. Жумладан, ўзининг меҳнат ҳуқуқлари бузилди, деб ҳисоблаган ходим меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бир ой муддатда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин. Меҳнат низоларидан келиб чиқадиган ишлар юзасидан судга даъво аризаси берилганда, даъвогарлардан давлат божи тўлаш талаб қилинмайди. Даъво талаби қаноатлантирилганда, давлат божи иш берувчидан ундирилади.

Бундай тоифадаги даъволар фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаб қўйилган кундан эътиборан, башарти, тарафлар бир туман ёки шаҳарда яшаса, ўн кундан, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирилмай кўрилиши лозим.

Фуқаролик процессуал кодексининг 259-моддасига биноан, бундай тоифадаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида иштирок этиши учун жавобгар томонига жалб қилиши шарт.

Даъвогарларнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилади ва бундай қарор устидан аппеляция ёки кассация шикояти шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари мустаҳкамланиб қўйилган.

Шундай экан, қонунларни барча фуқаролар ва иш берувчилар пухта билса ҳамда уларга қатъий амал қилса, бу борадаги қонун бузилиши ҳоллари барҳам топади. Натижада ҳар бир фуқаронинг қонунларда кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари амалда таъминланишига замин яратилади.

**Эргаш УМИРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раисининг ўринбосари*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" муҳбири*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Уч йиллик фирибгарлик

## бунинг оқибатида 279 нафар киши 12 миллиард сўмга чув тушди

**Маълумки, сўнгги йилларда хусусий бандлик агентликлари фаолиятига оид жиноий хатти-ҳаракатлар, аниқроғи, фирибгарлик ҳолатлари тез-тез кўзга ташланиб қолмоқда. Яъни ушбу агентликлар хорижга ишга юбориш ва катта маошли ишга жойлаштириш ниқоби остида фуқароларни миллиардлаб сўмга чув туширмоқда. Тўғри, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.**

Сирғали туманида яшаган Маҳмуд Очиловнинг ҳамтовоғи Иброҳимжон Жонузоқов ва унинг отаси Неъматжон Жонузоқов (Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти терговчисининг 2020 йил 20 мартдаги қарорига мувофиқ, жиноят ишининг ота-болага оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган. Айни пайтда уларга нисбатан қидирув эълон қилинган) билан бирга содир этган фирибгарлиги ҳам шулар жумласидандир.

Гап шундаки, "қаҳрамон"ларимиз олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2016 йил 20 май куни Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 107Б-уй манзилида "ELITE STUDY GROUP" нодавлат таълим муассасасини, Тошкент шаҳар, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй манзилида "World work хусусий бандлик агентлиги" масъулияти чекланган жамиятини, 2017 йил 6 март куни "GLOBAL WORK RESOURCES" масъулияти чекланган жамиятини, 2018 йил 25 январь куни эса, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй манзилида "PROFELITE IMP хусусий бандлик агентлиги" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилишади.

Қолаверса, юртимизнинг турли ҳудудларида ана шу жамиятларнинг ваколатхоналарини очиб, бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали реклама ва эълонлар беришади. Шундан сўнг кўпгина ҳамюртларимиз пойтахтдаги бош офислар ва вилоятлардаги ваколатхоналарга мурожаат қила бошлайди. Натижада "бандликка кўмаклашувчи"лар фуқароларга Корея Республикаси, Польша ва бошқа давлатларга ишга юборишни айтиб, қуюқ ваъдалар беришади.



— Сизни Кореяга ишга жўнатишимиз мумкин. Ойлик маоши ҳам анча юқори. Фақат бошланғич бадал ва ҳужжатларни расмийлаштириш харажатларини олдиндан тўлашингиз керак, — дейишади улар дастлаб мурожаат қилган андижонлик Мансуржон Умаровга.

(Давоми 6-бетда) ▶

# Конституциявий ҳуқуқи

## суд томонидан кафолатли ҳимоя қилинди



Мазкур қонуннинг 5-6-моддаларида эса, хусусий мулк ҳуқуқи муддатсизлиги, мулкдор мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмаслиги, давлат бузилган хусусий мулк ҳуқуқининг тикланиши ва унинг суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлаши белгиланган.

Қолаверса, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт. Лекин судда жавобгар — Данғара туман ҳокимлиги вакили ҳокимнинг 2019 йилнинг 21 июндаги 2632-сонли қарори асосли ва қонуний эканлигини исботлаб бера олмади. Қолаверса, ўз важларини тасдиқловчи далиларни судга тақдим қилмади. Аслида, бундай далилларнинг ўзи йўқ. Шундай экан, Данғара туман ҳокимининг ушбу қарорини қонуний ва адолатли деб бўлмайди. Ана шу асосларга таянган суд Икромжон Йўлдошевнинг аризасини қаноатлантириб, Данғара туман ҳокимининг қайд этилган қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Аммо жавобгар — Данғара туман ҳокимлиги ўз хатосини тан олиш ўрнига суд қароридан норози бўлиб, Фарғона вилоят маъмурий судига кассация шикояти билан мурожаат қилди. Гарчи туман ҳокимлиги ўз шикоятида И.Йўлдошевнинг ер майдонидан мақсадсиз фойдаланганини важ қилиб келтирса-да, кассация инстанцияси судида бу важлар асоссиз эканлиги аён бўлди. Негаки, тадбиркор низоли ер майднида 12 та бино ва 7 та иншоотни қуриб битказган. Буни "Ермулккадастр" давлат корхонаси Данғара туман филиали ва туман қурилиш бўлими томонидан имзоланган 50-сонли қурилиши тугалланган бино-иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ҳам тасдиқлайди. Бундай ҳолатда биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас. Бинобарин, вилоят маъмурий суди кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, суд қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Афсуски, юқоридаги каби қонун талабларини менсимаслик ёки уларга риоя этмаслик ҳолатлари кундалик ҳаётимизда ҳали-ҳануз учраб турибди. Айниқса, давлат органи саналган маҳаллий ҳокимликлар томонидан бундай салбий ҳолатларга йўл қўйилаётгани жуда ачинарли. Шунинг учун келгусида бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида, ер ажратишга оид қарорларни бекор қилиш ваколатини судларга бериш кўзда тутилмоқда. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жамиятимизда, қайд этилгани сингари, ғайриқонуний ҳолатлар билан асло муроса қилиб бўлмайди.

**Элмуроджон ОРТИҚОВ,**
*Данғара тумани маъмурий судининг раиси*
**Қамбарали АБДУЛҲАЕВ,**
*Қўқон шаҳридаги "Адолат шамчироғи" адвокатлик фирмаси раҳбари*

*Турмуш чорраҳаларида*

# Хатарли муносабат

## жазо тайинланишига сабаб бўлди

***Интернетда ишлашни билган яхши. Зарур ахборотларни олиш, дунёда юз бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш фойдадан холи эмас, албатта.***

***Лекин виртуал тармоқнинг зарари ва хатарли жиҳатлари ҳам борлигини асло унутмаслик керак.***

Сир эмас, инсон онги ва тафаккурини эгаллашда ҳозирги кунда ахборотнинг таъсир кучи кўз илғамас даражада жадаллашди. Одамлар ўзаро мулоқотсиз яшай олмагани каби эндиликда ахборотсиз ҳам яшай олмаяпти. Атиги бундан ўн йил олдин ҳеч ким интернет ҳақиқий учрашувлар ва телефон қўнғироқларининг ўрнини босишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ижтимоий тармоқларнинг фойдали жиҳатлари, яъни тезкор, арзон, кенг қамровдаги алоқа ва ҳамкорлик ишларида қулайлиги кўпчиликка маъқул тушмоқда. Глобал тармоқ кишиларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқда, бошқа мамлакатларда яшовчи танишлари, яқинлари, тенгдошлари билан турли соҳаларда фикр алмашиш имконини бермоқда. Дунёнинг исталган бурчагидан туриб, масофавий мулоқотларни ташкил этиш, кутубхоналардаги адабиёт ва манбалар билан танишиш, ҳатто уммон ортидаги мамлакат олий таълим муассасасининг талабаси бўлиш ҳам мумкин.

Бироқ бир яхшининг бир ёмони бўлгани каби виртуал тармоқнинг ҳам жамиятга ва шахсга зарарли таъсири йўқ эмас.

(Давоми 6-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Мисол учун интернет тармоғи дин ниқоби остидаги экстремистик гуруҳларга ўз ғараз мақсадлари йўлида тарғибот-ташвиқот юритишга имкон бермоқда. Кибертеррорчилик тузилмалари ғаразли мақсадлари йўлида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга жон-жаҳдлари билан уринишаётгани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ эмас.

Яқинда вилоят судининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида "Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш" жинояти билан айбланиб, судга берилган В.Жўраев (исм-шарифлар ўзгартирилди) хатти-ҳаракатига оид жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Судланувчи Ваҳоб Жўраев 1990 йилда Қизилтепа туманида туғилган, маълумоти ўрта махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз.

В.Жўраев 2013 йилнинг июль ойида ўзининг "SAMSUNG GALAXY AS" русумли уяли алоқа воситаси орқали жаҳон интернет тармоғининг "Одноклассники.ру" ижтимоий тармоғида "Проста Ваҳоб" номли профиль очади ва ундан фойдаланиб келади. Қўлидаги телефон аппарати вақт ўтиб, носоз ҳолга келгач, у турли уяли алоқа воситалари орқали ўз профилига кириб турган.

Ўшанда 2018 йилнинг декабрь ойи ниҳоялаб қолганди. В.Жўраев Москва шаҳридаги дўконларнинг биридан "RED MI A6" русумли телефон аппарати сотиб олади. Ана шу янги уяли алоқа воситасида 2019 йилнинг январидан декабрь ойига қадар профилга кириб, фойдаланиб келади.

Одам ижтимоий тармоқларда берилаётган видеоларнинг моҳиятини, фойда ва зарарини чуқур англаб етмаса, қийин экан. Гап шундаки, В.Жўраев ўз профилига келиб тушган "Abdulloh Buxoriy Halifalik xaqida.mp4", "Abdulloh Buxoriy Musulmonlar Aziz.mp4", "Musulmonlar ko`rsin.mp4", "Abdulloh Zufar nega yig`ladi...", "Xijob haqida domla rostini aytdi.mp4", "Abdulloh Buxoriy yolg`onchi fitnachilar haqida.mp4", "Abdulloh Buxoriy dayus haqida.mp4", "Er-xotin sirlari Rashod-xon qori.mp4 (1)", "Musulmonlar ko`rsin ya Alloh Muslim va Muslimalarga yordam b" номли видеоларга муносабат белгисини босган. Шу тариқа В.Жўраев ушбу ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган ҳамда диний-экстремистик мазмундаги видеомаърузаларни ўзининг виртуал дўстлари, судда гувоҳ тариқасида сўралган Ф.Нарзиқулов, Ж.Саидмуродов ва Т.Алимовларга тарқатган.

*Турмуш чорраҳаларида*

# Хатарли муносабат



## жазо тайинланишига сабаб бўлди

Мазкур жиноят ишини судда кўриш чоғида маълум бўлдики, судланувчи В.Жўраев глобал тармоқ хатарли маърузаларининг зарарли оқибатларини тушуниб етмаган. Судланувчи диний-экстремистик мазмундаги видеоматериалларни ким ёки кимлар томонидан, қандай усулда ўзига юборилганини ҳам билмайди.

Жиноят ишида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита диншунослик экспертизасининг "Ўзбекистон ислом ҳаракати" террорчилик ташкилоти аъзоси Абдуллоҳ Бухорийнинг диний-экстремистик мазмундаги даъватлари, "Тавҳид ва жиҳод катибаси" террорчилик ташкилоти етакчиларидан бири Абу Солиҳнинг жиҳод учун ҳаракат қилиш ҳақидаги фикрлари ақидапарастлик ғояларига йўғрилганлиги, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқлангани ҳақидаги шу йил 5 мартдаги МП-084-сонли хулосаси мавжуд.

Дастлабки тергов органи томонидан В.Жўраевнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг $244^1$-моддаси 3-қисми "г" банди билан тўғри малакаланган.

Суд Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 3-банди раҳбарий кўрсатмаларига таянди. Маълумки, ушбу бандда Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги судларга тушунтирилган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг ушбу қарори 37-бандида Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, мазкур кодекснинг Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши қайд этилган.

Суд судланувчига нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлик билдириб, содир қилган жиноятидан пушаймонлиги, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлиги, оилавий шароити, қарамоғида бир нафар фарзанди бўлиб, ўзи ижобий тавсифланганлиги, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблади. Унинг ҳаракатида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас, деб топди.

Суд судланувчи В.Жўраевга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, шу модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо, яъни икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади. Судланувчига нисбатан қўшимча тақиқлар юклатилди.

Юқоридаги воқеалар интернет саноати тезкор суръатда ривожланиб бораётган ҳозирги паллада кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг виртуал тармоқ ахборотларига нисбатан ўта эҳтиёткорлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишини тақозо этади. Ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбияламоғи керак. Ёшларимиз ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлмоғи, ўзи дуч келаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, она Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлмоғимиз, ёшларимизнинг онги ва қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ишончли ҳимоя қилмоғимиз шарт.

**Шуҳрат КАМОЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Навоий вилояти суди*
*раисининг ўринбосари*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Уч йиллик фирибгарлик



## бунинг оқибатида 279 нафар киши 12 миллиард сўмга чув тушди

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Бинобарин, М.Умаров тез орада 3000 АҚШ доллари ва 20.000.000 сўм миқдоридаги маблағни уларнинг қўлига тутқазади. Шу тариқа хорижда ишлашни орзу қилганлар сафи кенгайиб бораверади.

Буни қарангки, уччала "ҳожатбарор" ҳар бир мурожаатчининг ишончига кириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш юзасидан хорижий давлат корхоналари билан тузилган сохта шартномаларни кўрсатишади. Амалда эса, бирор-бир фуқарони ишга жўнатмай, турли важ-карсонлар билан вақтни чўзиб юраверишади. Фирибгарларнинг асл мақсадидан бехабар фуқаролар мурожаат қилишдан тўхтамайди. Фирибгарлар сохта ваъдалари янада ишонарли чиқиши учун 2019 йил 12 апрель куни Ташқи меҳнат миграцияси агентлигидан берилган 0053-сонли лицензияни, шунингдек, 2019 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган Англашув меморандумини кўрсатишади. Ҳатто ўз қилмишларини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигигагина тааллуқли бўлган "E9" визаси билан ҳам хаспўшлашади. Яъни ана шу виза асосида хорижга ишга юборишни айтиб, жабрланувчиларни лақиллатишади.

Мана шу тариқа жиноятчилар 2016 йил апрель ойидан 2019 йилнинг сентябрига қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 279 нафар фуқарони 805.058 АҚШ доллари (ҳукм эълон қилинган пайтда 1 АҚШ доллари 10.274 сўмга тенг бўлган), 3 миллиард 823 миллион 355 минг сўм ва 18.900.000 Корея вони (164.076.533 сўм), жами 12 миллиард 258 миллион 597 минг сўмга чув туширишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, навоийлик Жасурбек Ғоффоров бу фирибгарликдан энг кўп жабр кўрган фуқаролардан биридир. Тергов ва суд жараёнида маълум бўлишича, 2019 йил март ойи бошларида Жасурбек таниши В.Головочёв орқали "PROFELITE IMP XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" масъулияти чекланган жамияти ҳақида эшитиб, пойтахтга келади.

— Хоҳласангиз, уч ой ичида Жанубий Кореяга ишга юборамиз, — дея фирибгарлар унинг ҳам қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради.

Ж.Ғоффоров эса, уларнинг алдовига лаққа ишонади. Шу боис, ўзи ва жияни Шерзод Ражабов номидан 100.000.000 сўмни фирибгарларга беради. Бироқ бояқиш йигитнинг Кореяда ишлаш орзуси ушалмай қолаверади. Ҳудудлар миқёсида таққослаганда эса, энг кўп жабрланувчи, яъни 71 киши Андижон вилоятидан эканлиги маълум бўлди. Аниқланишича, андижонлик жабрланувчилар 242.225 АҚШ доллари ва 574 миллион 400 минг сўмни фирибгарларга беришган экан. Лекин барча ҳудудлардаги жабрланувчиларнинг Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органларига қилган мурожаати туфайли уччала фирибгарнинг қилмишлари фош этилди. Оқибатда уларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят ишининг ота-бола Жонузоқовларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилгани ва уларга нисбатан қидирув эълон қилингани боис, Маҳмуд Очиловнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судида кўриб чиқилди. Пировардида суднинг 2020 йил 14 сентябрдаги ҳукмига биноан, у Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а"-банди, 228-моддаси 2-қисми "а, б"-бандлари билан айбдор деб топилди ва Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 8 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, суд ҳукмида жабрланувчиларга етказилган зарарни М.Очиловдан ундириш ҳам белгиланди. Бундан ташқари тергов жараёнида Тошкент шаҳар ИИББ депозит ҳисоб рақамига ўтказилган "PROFELITE IMP XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" масъулияти чекланган жамиятининг 422.568.500 сўм маблағи, айбдор Жонузоқовларнинг яқини Х.Жонузоқова томонидан топширилган 9.400.000 сўм ҳамда Маҳмуд Очиловга тегишли, 90 миллион сўмга баҳоланган "Ласетти" автомашинасини сотишдан тушган маблағлар жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашга қаратилди.

Албатта, кундалик ҳаётимизда бундай салбий ва аянчли ҳолатлар ҳали-ҳануз, оз бўлса-да, учраб турибди. Бинобарин, хорижда ишлаш истагида юрган ҳамюртларимизни фирибгарларнинг қилмишларидан огоҳлантириб қоламиз. Қолаверса, айни масалада ваколатли давлат идораларига мурожаат қилишларини малаҳат берамиз. Зеро, алданиб қолгач, қилинган пушаймондан фойда йўқ.

**Бахтиёр АЛИМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Сирғали тумани*
*судининг раиси*
**Ғофур АМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Сирғали тумани*
*судининг судьяси*

*Жиноят ва жазо*

# Аёлга дилбарлик ярашади...

***Халқимиз қадим-қадимдан аёлларни улуғлаб, доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Аёлларни эзгу фазилатларнинг сабабчиси, деб билган. Келажак бунёдкорларининг қалбида меҳр-оқибат, фидойилик, ҳалоллик каби инсоний туйғуларни уйғотган тарбиячилар, деган олий рутбага кўтарган.***

***Аммо аччиқ бўлса-да, ўйлаб кўринг: аёл жиноятга қўл урса...***



Навбатдаги суд мажлисида фирибгарлик жиноятига қўл урган аёлнинг айбдорлик масаласи кўрилди. Муқаддас шаъни, оналигини бир четга суриб қўйганки, суднинг қора курсисида боши эгик ўтириши уят, албатта!

Суд мажлисида айбига иқрор бўлган аёлнинг ўтмиши ҳам анча ташвишли, таъбир жоиз бўлса, жиноят кўчасидан нари кетмаганлиги аён бўлди. Лола (исм-шарифлар ўзгартирилган) биринчи жиноятга 36 ёшида қўл урган экан.

Айни вақтда у 61 ёшга тўлган. Ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, у салкам ўттиз йиллик умри давомида ўзгаларнинг ишончига кириб, уларни чув тушириш пайида бўлган. Бу сафарги жинояти эса, ўн биринчиси экан.

Айтишга оғир бўлса-да, унинг фирибгарлигидан жабр чекканлар ногиронлиги бор шахслардир. Қалбида заррача меҳр-оқибат йўқ, шекилли, тузоқ қўйишда ногиронларни ҳам аяб ўтирмабди.

У жиноятини амалга оширишга ҳар доим пухта тайёргарлик кўрган. Шунинг учун уч йил давомида ўндан ортиқ қалби ўксик инсоннинг салкам 140 минг АҚШ доллари ва 50 миллион сўмга яқин маблағини қўлга киритган.

Кимни қай вазиятда алдаганини бир бошидан айтадиган бўлсак, мавзу чўзилиб кетади. Келинг, унинг қинғирлигига оид баъзи тафсилотларга тўхталайлик.

Кунларнинг бирида, аниқроғи, 2016 йилнинг бошларида у пойтахтимиздаги "Меҳрибонлик" ногиронлар жамиятига қўнғироқ қилади. Ўзининг Тошкент шаҳар ҳокимиятида ишлашини айтиб, уларга ҳомийлик қилмоқчи эканини билдиради.

Унинг гапларига ишонган жамият раҳбари соддадиллиги боис, ортиқча шубҳага бормайди. Бунинг устига Лола ўзи билан ширинликлар, ичимликлар олиб бориб, жамият аъзоларига тарқатади, уларнинг тадбирларида иштирок этиб туради.

Ишонч қозонганини аниқ билгач, ғараз мақсадга кўчади. У жамият раисига Тошкент шаҳар ҳокимияти balансидан ногиронлар жамияти аъзолари, боқувчисини йўқотганлар ва уруш қатнашчилари учун уй-жой ажратилаётганини маълум қилади.

Эътибор беряпсизми, фирибгарликда 10 марта айбланиб, анча-мунча тажриба орттирган бу аёл ўз жабрдийдаларини қай тарзда тузоғига илинтира олган?! Қаранг, инсон эзгулик йўлидан борса, дунёни яхшиликка тўлдириши мумкин, аксинча ҳолатда эса, ёмонликларининг чек-чегараси бўлмай қоларкан.

Дарвоқе, Лола уч фарзанднинг онаси. Шу ўринда ўз-ўзингизга савол бериб кўринг: онасининг бу қилмишларидан фарзандлари қай аҳволга тушишди экан? Бундан сўнг улар ўз онасини фаришта сифатида кўра оладими? Тенгдошлари, дўсту ёрларининг юзига қандай қарайди? Бу саволларга жавоб бериш ўта мушкул...

Ушбу жиноят ишининг муҳокамаси чоғида яна бир ҳақиқат юзага чиқди. Одамларимиз нега бунча содда экан, дейсиз беихтиёр. Ахир, Лолага пулларини тутқазган инсонлар нима учун уй-жойни олиш ҳақида сўраб-суриштиришмади?

Бу аёл, ҳақиқатан ҳам, шаҳар ҳокимиятида ишлайдими ё йўқми? Шунчалик савобталаб экан, пулни қайси ташкилотга тўлаш кераклигини аниқ айтмай нега мавҳум гапларни гапиряпти? Ҳеч ким ҳеч қандай шубҳага бормаган.

Тўғри, фирибгарнинг қурбонлари камсуқум, меҳр ва эътиборга доим ташна бўлгани боис панд еб қолишган. Яна бир тарафдан, Лоланинг айёрлиги ҳам ўз кучини кўрсатган.

У ортиқча шубҳа туғдирмаслик учун сурати қўйилган қалбаки бейджикни, уй-жой тақсимоти ҳақидаги сохта рўйхатларни кўрсатган. Ҳатто зарур ўринларда пул олганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб бераверган.

Шу ўринда муҳим гапни айтмасак бўлмайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Аёлларимиз орасида 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига лойиқ кўрилгани, қанчадан-қанча фан докторлари, профессор ва академиклар, "Халқ ўқитувчиси", "Халқ шоираси", "Халқ артисти" унвонларига сазовор бўлган опа-сингилларимиз борлигидан фахрланамиз.

Бу фидойи опа-сингилларимизни барчага ибрат қилиб кўрсатамиз. Ҳаёти ва фаолиятини ҳайратланиб қизларимизга гапириб берамиз. Уларга ҳавас қилиб, ортидан эргашишга интилаётган сингилларимиз бугун юксак марраларни қўлга киритаётган бир паллада дилбарлигини унутиб жиноят кўчасига кирган аёллар ҳақида сўз очиш ташвишли, албатта.

Балки айримлар фирибгарликни ўзига касб қилиб олган аёлни осон йўл билан пул топишга ўрганиб қолган, дейиши мумкин. Бироқ айни дамда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги ишларнинг салмоғи баландлиги бу фикрнинг хато эканлигини исботлайди.

Чунки давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласига, қолаверса, жамиятга ҳам нафи тегаётган аёллар жуда кўпчиликни ташкил этади. Аниқ рақамларда айтганда, биргина ўтган йили тижорат банклари ва Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ опа-сингилларимизга 4,9 триллион сўм кредитлар берилган.

Қисқаси, бўш ўтирмайман, ҳалол йўл билан даромад орттираман, деган ҳар бир хотин-қиз учун барча имконият, шарт-шароит яратилган.

Фаровон ҳаёт кечириб, хотиржамликда, ёруғ юз билан эл олдида азизу мукаррама бўлиш учун ҳеч бир тўсиқ йўқ. Шу ҳақдаги мулоҳазаларимизни иккиланиб юрган хотин-қизларимизни билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолишидан асрайди, деган умидда баён қилдик. Фирибгар аёлнинг қисмати ҳам тегишли хулосаларни берса, ажабмас.

Муборак Ҳадиси шарифларда бандаси учун энг катта бойлик қаноат эканлиги бежизга бот-бот такрорланмайди. Зеро, борига шукур қилиб, энг асосийси, ўзгаларнинг ҳаққини ейишдан ўзини тийиб яшаган инсон оилада ҳам, жамиятда ҳам, албатта, ўз ўрнига ва ўз сўзига эга бўлади. Чунки бундай ҳалимтабиат кишилар, айниқса, аёллар хушмуомалаликда тили билан дили бирлиги боисдан юксак мавқе эгаллаб, эътибор қозонадилар. Ҳурмат-иззат деганлари — аёлнинг дилбарлиги шунда эмасми!

**Сурайёхон ХОЖАМКУЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича*
*Миробод тумани судининг*
*судьяси*
**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
*журналист*


**Куч — адолатда**

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 4887
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $22^{00}$. Топширилди: $00^{30}$.